МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

O'ZBEKISTON XAYRIYA JAMOAT FONDI MAHALLA

ЧОРШАНБА

2014 йил 12 ноябрь, №95 (1062)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 ноябрь куни Оқсаройда Америка-Ўзбекистон савдо палатасининг (АЎСП) навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган АЎСП Раиси Кэролин Лэммни қабул қилди.**

АҚШнинг етакчи компания ва фирмалари вакиллари делегациясининг мамлакатимизга бу галги ташрифи Америка бизнесининг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бораётганидан, икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтиришга интилишидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Америка-Ўзбекистон савдо палатаси 20 йилдан зиёд вақт давомида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиб келаётганини таъкидлади.

Айни пайтда ушбу ноҳукумат нотижорат ташкилотга Американинг «Боинг», «Женерал Моторз», «Женерал Электрик», «Ханиуэлл», «Рио Тинто», «Цеппелин», «Локхид Мартин», «Мерк», «Уайт энд Кейс», «Солар Турбинз», «ЭфЭмЭн Интернэшнл» каби 17 етакчи компанияси аъзо.

Ўзбекистон билан «Женерал Моторз» компанияси ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ушбу ҳамкорлик мамлакатимизнинг турли ҳудудларида амалга оширилаётган уч йирик лойиҳадан иборат. Булар — Андижон вилоятида автомобиллар, Тошкент вилоятида энг замонавий двигателлар, Хоразм вилоятида автомобиллар ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини қамраб олган лойиҳалардир.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўн бешта замонавий «Боинг» самолётидан муваффақиятли фойдаланмоқда, улар барча авиаташувларнинг ярмидан кўпини таъминлаётир. Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон Эйрвейз Текникс» авиация корхонаси базасида самолётлар конструкциясининг йирик композит қисмларини таъмирлаш бўйича минтақавий марказ ташкил этиш, шунингдек, «Боинг» самолётларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Кэролин Лэмм давлатимиз раҳбарига самимий қабул ва Америка-Ўзбекистон савдо палатаси фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Учрашувда иқтисодиёт ва инвестициялар соҳасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантириш истиқболлари бўйича ҳам фикр алмашилди.

Музокара якунида Ўзбекистонни глобал бизнес соҳасида етакчи мамлакат сифатида ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Президент Ислом Каримовга «Биллур глобус» тақдим этилди.

**ЎзА.**

# Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини қуриш лойиҳаси бўйича заём битими имзоланди

Япония ташқи ишлар вазирининг парламент ўринбосари Кэнтаро Соноура раҳбарлигидаги ҳукумат делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида шу йилнинг 10 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини қуриш лойиҳасини биргаликда молиялаштириш тўғрисида заём битими имзоланди.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини ривожлантириш ва электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган узоқ муддатли дастурнинг таркибий қисми бўлиб, унда Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида ҳар бири 450 МВт қувватга эга иккита буғ-газ қурилмадан иборат умумий қуввати 900 МВт бўлган янги буғ-газ электр станциясини барпо этиш кўзда тутилган.

Тўрақўрғон ИЭС қурилиши лойиҳаси доирасида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) 71,8 миллиард япон иенаси миқдорида узоқ муддатли имтиёзли кредит тақдим этмоқда. Бу 704 миллион АҚШ долларига тенгдир. Кредит йиллик 0,3 фоиз ставкаси билан 40 йилга, шу жумладан, 10 йиллик имтиёзли муддатга берилмоқда.

Заём битимини Ўзбекистон томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов, Япония томонидан Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) вице-президенти К.Янагисава имзолади.

Тўрақўрғон ИЭС йилига 6,8 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу Фарғона водийсида электр энергиясига ортиб бораётган талабни, жумладан, тўқимачилик, озиқ-овқат, фармацевтика саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳалар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни таъминлаш имконини беради.

Электр энергияси ишлаб чиқаришда энг илғор технологиялар қўлланилади. Бунда юқори технологияли буғ-газ ва газ турбинаси қурилмаларидан фойдаланилади. Бу станциянинг фойдали иш коэффицентини 60 фоизгача таъминлаш, шунингдек, ёқилғи истеъмолини фаолият кўрсатаётган қувватларга нисбатан қарийб икки баробар камайтириш имконини беради.

Мазкур янги битимнинг имзоланиши электр энергияси ишлаб чиқарадиган энг янги технологияларни жорий этиш, энергия таъминоти салоҳиятини ошириш ва малакали кадрлар тайёрлаш орқали энергетика тармоғини модернизация қилиш бўйича Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги узоқ муддатли шерикликнинг яна бир ёрқин далилидир.

Айни пайтда JICA молиявий кўмагида Қашқадарё вилоятидаги Таллимаржон ИЭСда умумий қуввати 900 МВт бўлган иккита буғ-газ қурилмаси барпо этилмоқда, Навоий ИЭСда 450 МВт қувватли иккинчи буғ-газ қурилмаси лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Тошкент шаҳридаги 4-иссиқлик марказида 108 МВт қувватга эга когенерацион қурилмани жорий қилиш лойиҳаси тайёрланмоқда.

Шунингдек, JICA техник кўмагида Тошкент шаҳрида минтақада биринчи Буғ-газ ва газ турбинаси қурилмаларига хизмат кўрсатувчи мутахассислар тайёрлаш ўқув маркази ташкил этилмоқда.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ




Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

# Муросада ҳикмат кўп, аҳилликда барака

**Яхшиликнинг, эзгуликнинг умри боқий, дейишади. Яқинингга яхшилик соғиниш, меҳр-мурувват кўрсатиш, оилаларни парокандаликдан асраш, комил фарзандлар тарбиялашдек эзгу амаллар халқимизга хос. Бизда: «Қушнинг ҳам уяси бузилмасин», дея куйиниб, оила тақдирига жиддий қаралади.**

**Юлдуз ҲОЖИЕВА**
**«Mahalla»**

Айнан шу масалага бевосита дахлдор қўни-қўшничилик, қуда-андачилик, қавм-қариндошлик ришталари ҳам борки, улар хонадонлардаги вазиятга таъсир кўрсатгани боис, бу муносабатларга «минг йилчилик» дея таъриф берилади. Чунки эҳтиёткорлик ва хушмуомалани талаб этадиган, фаҳм-фаросат, иззат-андиша билан иш тутишни тақозо қиладиган мазкур ришталарнинг умрбоқийлиги, мустаҳкамлиги худди занжир халқалари каби бир неча оилалардаги тинчлик-тотувликни, фарзандларнинг бахтиёр улғайишини таъминлайди.

Маҳалла — бу борадаги бирламчи тарбия ўчоғидир. Қолаверса, фуқаролар йиғинларининг Яраштириш комиссиялари айнан инсонларни муросаю мадорага чорлаш, меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаш, кишиларнинг камситилиши, ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлишига йўл қўймаслик, пировардида, ҳудудлардаги маънавий муҳит барқарорлигини сақлашга салмоқли ҳисса қўшаётир. Жорий йилдан бошлаб «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан ҳамкор ташкилотлар кўмагида ўтказилаётган Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларнинг туман(шаҳар)ларида «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали Яраштириш комиссияси» танлови эса бундай хайрли амалларга қизғин тус бериши аниқ.

Танловдан мақсад — фуқароларнинг оилада ва маҳаллаларда тинч-осойишта, ҳамжиҳатликда яшашига кўмаклашиш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини миллий ва маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда кенг тарғиб этиш орқали маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга кўмаклашишдан иборат.

> [2]

МАСЛАҲАТЧИ МАЪНАВИЯТИ

# Услубий кўмак тарғибот таъсирчанлигини оширишга қаратилган



**Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисининг фаолият доирасига кирмайдиган вазифа йўқ: минг йиллик миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш дейсизми, хотин-қизлар фаоллигини ошириш ёхуд ёшларни хавфли иллатлардан сақлаш — барчасида маслаҳатчи бош-қош.**

**Феруза ҚУРБОНОВА,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани бўлинмаси бош мутахассиси.**

Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни ҳамда фуқаролар йиғинлари тўғрисидаги Намунавий низом уларнинг ваколатлари билан бирга вазифаларини янада кенгайтирди.

> [4]

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн олтинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси 2014 йил 13 ноябрь куни эрталаб соат 10:00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2014 йил 12 ноябрь куни соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

МУТАСАДДИ МАЛАКА ОШИРАДИ

# Машғулотлар маҳоратни тоблайди

**Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларида 128 нафар раис малака оширди.**



**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ**
**«Mahalla»**

Машғулотларда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раисларининг ваколатлари», «Фуқаролар йиғинларининг асосий йуналишлари бўйича комиссиялари фаолияти», «Йиғинлар фаолиятини ташкил қилиш», «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам ажратиш тартиби» каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

> [2]

САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

# Ёшлар ижтимоий-сиёсий жараённинг фаол иштирокчиси

**Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим саналадиган давлат аҳамиятига молик масалаларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг иштироки тобора ортиб боряпти. Буни жорий йил 21 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича тузилган округ ҳамда участка сайлов комиссиялари аъзоларининг аксарияти маҳалла фаоллари экани ҳам тасдиқлайди.**

**Аҳрор ҒУЛОМОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси ўринбосари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси ўринбосари.**

Айни кунларда пойтахтимизда ҳам ушбу сиёсий жараёнга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 7- ва 11-моддаларига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови ўтказиладиган 12 та сайлов округи тузилди.

> [2]



КОЛЛЕЖДАН КОРХОНАГА

# Билимдон битирувчи бандлигида муаммо йўқ

**Жорий йилда Бухоро нефть ва газ саноати коллежини битирган Дониёр Раҳимов айни пайтда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида меҳнат қилмоқда. Заводнинг таъмирлаш цехида шогирд сифатида фаолиятини бошлаган Дониёр ўзига бириктирилган устози Аҳмад Жумаевдан касб сирларини қунт билан ўрганаётир.**

**Акбар РУСТАМОВ**
**«Mahalla»**

— Коллежнинг нефть ва газ қудуқларидан фойдаланиш йўналишида таҳсил олган кезларим тез-тез заводга келиб тажриба ўрганардик, — дейди у. — Корхона-коллеж ҳамкорлиги доирасида ишлаб чиқариш амалиётини шу ерда ўтаганим сабабли ишга қабул қилинганимда корхона муҳити танишлиги, бу ердаги меҳнат жараёнларидан хабардорлигим менга қўл келди. Нафақат вилоят, балки юртимиз иқтисодиётида алоҳида ўринга эга, шундай замонавий йирик корхонада меҳнат қилиб, оиламиз даромадига ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

Айтиш жоизки, Бухоро нефть ва газ саноати коллежида ўқувчиларни танлаган соҳасининг билимдони этиб тарбиялаш, уларни ишга жойлаштириш бўйича тегишли корхоналар билан фаол ҳамкорлик ўрнатилган.

> [3]

САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

# Ёшлар ижтимоий-сиёсий жараённинг фаол иштирокчиси

< [1]

Шунингдек, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 11- ҳамда 12-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиладиган 60 та округ ташкил этилди. Сайлов округларининг аъзолари сафида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмалари масъул ходимлари, маҳалла фаоллари ҳам бор.

Пойтахтимиздаги маҳаллалар фаоллари миллий меъморчилик андозалари асосида қад ростлаган замонавий биноларда фаолият юритмоқда. Уларда йиғин ходимларининг самарали хизмати учун барча шарт-шароит яратилган. Бугун моддий-техник базаси мустаҳкам маҳалла идораларида давлат аҳамиятига молик тадбирлар юқори савияда ўтказилаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, жорий йилги сайловлар пойтахтимиз бўйича 653 та участкада бўлиб ўтади. Улардан 80 га яқини айнан маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларида жойлашган.

Сайловни ўтказиш бўйича аҳолига ҳар томонлама қулай масканлар участка сифатида танланди. Шунингдек, сиёсий жараёнлар қиш мавсумида ўтишини инобатга олиб, сайловчиларга иссиқ, ёруғ ва шинам хоналар ажратилди.

Жамият тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлидаги ҳар қандай тадбирнинг самарали ўтиши бевосита маҳаллага боғлиқ. Шу маънода сайловларни юқори савияда ўтказиш, сайловчиларга тизимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида батафсил маълумот беришда фуқаролар йиғинларида уюштирилаётган тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Йиғилишларга илк бор сайлаш ваколатига эга ёшлар ҳам таклиф этилаётир.

Дарвоқе, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Шунинг ўзиёқ яқинлашиб келаётган сайловларда ёшларимизнинг овози ҳал қилувчи кучга эгалигини кўрсатади. Мустақиллик йилларида юртимизда ўтказилаётган сайловларда ёшларнинг иштироки билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили уларнинг ушбу сиёсий жараёнларда фаоллигидан далолатдир.

Бу йил пойтахтимизда сайлаш ҳуқуқига эга 1 миллион 730 минг нафардан зиёд фуқародан 188 минг нафардан ортиғини ёшлар ташкил этади. Улар юртимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини доимо қўллаб-қувватлайди. Чунки фарзандларимизнинг жамиятда муносиб ўринга эга бўлиши, зарур билим ва малакаларга эришиши ҳамда ўз манфаатларини эркин рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратилган.

Тизимли ислоҳотлар ўз самарасини бера бошлаётган бир пайтда ёшлар жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ва ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида майдонга чиқмоқда. Бу жорий йилги сайловларда халқ манфаатини ҳар нарсадан устун қўядиган муносиб номзодларга овоз беришда яна бир бор ўз тасдиғини топишига ишончимиз комил. Зотан, ёшлар сайловларда иштирок этиш орқали давлат ва жамият бошқарувида бевосита қатнашади, бошқача айтганда, давлат ва жамият билан мулоқотга киришадилар. Сайловлар ёшларни юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшашга ўргатади.

Мухтасар айтганда, очиқлик, ошкоралик ва демократик тамойиллар асосида ўтиши кутилаётган сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эга барча фуқаролар фаол иштирок этиб, Ватанимизнинг янада тараққий топишига муносиб ҳисса қўшади.



Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# Муросада ҳикмат кўп, аҳилликда барака



< [1]

Пойтахт вилоятининг Бўстонлиқ туманида ўтган «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали Яраштириш комиссияси» танлови бу борадаги илк қадамлардан бири бўлди. Туман ҳудудий саралаш босқичида энг юқори балл тўплаган 4 та маҳалла фуқаролар йиғинининг Яраштириш комиссиялари аъзолари иштирок этган танлов маҳалланинг бугунги кундаги мавқеи, таъсир доирасининг кенглигини яна бир бор тасдиқлади. Тумандаги «Бўстон», «Нурчилар», «Озодбош» ҳамда «Қўшқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинларининг мазкур комиссиялари тўлиқ таркибда саҳнага чиқиб, ўз фаолиятларини, илғор тажрибаларини намойиш этишди.

Жумладан, қатнашчилар Яраштириш комиссияси фаолияти учун керакли бўлган маълумотларни тегишли ташкилотлардан белгиланган тартибда олишлари, зарур ҳолларда маълумотларни жойига бориб ўрганганликлари ҳужжатлар асосида кўриб чиқилди. Оилалардаги муҳитни ўрганиб бориш, хонадонлардаги муаммолардан хабардорлик, зиддиятлар ва ажримларнинг олдини олиш, носоғлом муҳитга тушган оилаларни аниқлаш, нотинч ва ноқобил ҳамда қийин аҳволда қолган хонадонларга ижтимоий кўмаклашиш, шунингдек, аниқланган муаммоларни бартараф этишда амалга оширилган ишлар мониторинги ҳам ҳакамлар ҳайъати томонидан сарҳисоб қилинди. Яраштириш комиссиясининг фаолият йўналишига оид у ёки бу масалалар юзасидан қабул қилган қарорларини фуқаролар йиғини кенгашида кўриб чиқилгани, чораклик ҳисоботларнинг муфассаллиги эътиборга олинди. Қолаверса, комиссия низомида мустаҳкамланган яна бир муҳим вазифа — оилалардаги маънавий муҳитни ўрганиш, вазиятни тўғри баҳолаш ва тўлиқ маълумот олиш учун комиссия аъзоларининг ушбу оилалар фарзандлари ўқиётган таълим муассасаларидан белгиланган тартибда маълумотлар олиб боришгани ҳам назоратдан четда қолмади.

Шуниси аҳамиятлики, ушбу комиссиялар таркиби маҳаллада маънавий муҳитни барқарорлаштиришга, низо ва келишмовчиликларни бартараф этишга, адашганларни тўғри йўлга бошлашга қодир аъзолардан таркиб топгани Бўстонлиқ тумани маҳаллалари муваффақиятининг гаровидир. Улар орасида қариялар билан бирга ёш йигит-қизларнинг ҳам борлиги оилалардаги муҳитни кенг қамровда ўрганиш, ёшларнинг орзу-умидлари, муаммоларини тушуниш имконини бераётир.

— Ажримларнинг, айниқса, ёш оилалар ўртасида никоҳнинг бузилиш ҳолатлари олдини олишда маҳаллада йигит-қизларни ҳаётга руҳий-маънавий жиҳатдан пухта тайёрлаш, уларда турмушга масъулият ҳиссини уйғотишнинг аҳамияти беқиёс, — дейди «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғинининг Яраштириш комиссияси раиси Санобар Юнусбоева. — Зеро, оиладаги муаммоларни ҳал этиш, унинг мустаҳкамлиги учун қайғуриш мамлакатимиздаги энг долзарб, кечиктириб бўлмас вазифалардан. Мазкур комиссия раислигига шахсан фуқаролар йиғини раисининг ўзи раҳбарлик қилиши ҳам зиммамиздаги масъулият залворидан дарак беради. Жорий йилда ажрим тўғрисида 12 та ариза қайд этилган бўлса, уларнинг барчасини ижобий ҳал этишга, шунча оилани ажрашишдан сақлаб қолишга эришдик. Кишиларга маънавий-руҳий таъсир ўтказиш, аниқроғи, хатоларини тушунтириш учун биз бир ноёб тажрибани қўллаймиз. Яъни бир-бирини тушунмай, ажрашишга аҳд қилган эр-хотинга миллий адабиётимиздаги дурдона асарларни ўқиб берамиз.

«Қўшқўрғон» маҳалласи вакилларининг таъкидлашича, комиссия аъзолари низолашаётган эр-хотин ва яқин қариндошлар ўртасидаги мол-мулк, мероснинг бўлинишида ўз ваколати доирасида фаол иштирок этиб, муаммони оқилона ҳал этишга муваффақ бўлишган. Қолаверса, тўйлар ва бошқа маросимларни ихчам, аҳоли манфаатларини, миллий қадриятларимиз ва ибратли анъаналаримизни ҳисобга олган ҳолда ўтказишда ҳар тўртта жамоанинг ўзига хос намунали ишлари бор. Бунда фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, профилактика инспекторлари, имом-хатиб, таълим муассасалари раҳбарлари, қишлоқ врачлик пункти вакили, ҳаётий тажрибага эга намунали оила бошлиқлари, аҳоли ўртасида обрў-эътиборли ҳамда ўзининг тарбиявий таъсирини ўтказа оладиган маҳалла фаолларини ҳам муаммолар ечимига жалб этилаётгани кутилган самараларни бераётгани аниқ.

— Мазкур комиссияни ташкил этиш тўғрисида фуқаролар йиғинининг қарори, комиссия таркиби ва комиссия аъзолари ўртасида белгиланган вазифалар тақсимоти, шунингдек, комиссия фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатлар пухта ўрганилди, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, туман ИИБ бошлиғи ўринбосари С.Саидаълоев. — Яъни иш режаси, амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумот, ўтказилган тадбирлар натижасида эришган ютуқлари, оилавий ажримларнинг олдини олиш юзасидан бажарилган ишлар мониторинги, 2011-2014 йиллардаги ажрим ҳолатлари ҳақидаги кўрсаткичлар, фотоальбом, плакат, стендлар, тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликдаги иш режалари ва бошқа хат-ҳужжатларда комиссиялар фаолияти яққол намоён бўлди. Бунда «Бўстон» маҳалласи вакилларининг пухта ва аниқ иш юритгани, ҳужжатлар билан ишлашда тартиб ва қоидаларга риоя этгани уларнинг бошқа жамоалардан устунлигини кўрсатади. Ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолашда тегишли 10 та йўналишга аҳамият қаратилди ва ҳар бир йўналиш 5 баллик, жами 50 баллик тизимда баҳоланди.

Танлов якунига кўра, «Бўстон» маҳалласининг Яраштириш комиссияси аъзолари 48 балл тўплаб ғолибликни қўлга киритди. «Нурчилар» жамоаси 45 балл билан иккинчи ўрин, «Озодбош» жамоаси эса, 42 балл жамғариб учинчи ўринга лойиқ топилди. Иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Дарҳақиқат, Яраштириш комиссияларининг фидойилиги, фаол саъй-ҳаракатлари, фуқаролар йиғини ва кенгашининг қарорларини амалиётга изчил татбиқ этаётгани маҳалланинг нуфузи, обрў-эътиборини мустаҳкамлашда қўл келмоқда. Энг асосийси, ҳудудлардаги осойишталикка, фаровонликка, ҳамжиҳатликка омил бўлаётир.

МУТАСАДДИ МАЛАКА ОШИРАДИ

# Машғулотлар маҳоратни тоблайди



< [1]

— Ўтган йили сайланганим боис ҳали бу тизимда ўрганишим лозим бўлган жиҳатлар кўп эди, — дейди Чимбой тумани Бердақ номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турсинғали Маҳамбетов. — Ўқувларда олган маълумотларимиз ёрдамида иш режамизни қайта кўриб чиқиб, уларга қатор ўзгартиришлар киритдик. Ҳудудимиздаги аҳоли билан ишлашда асосий йўналишлар бўйича комиссиялар фаолияти қўл келмоқда. Йиғиндаги «Маслаҳат маркази» томонидан учта озиқ-овқат, иккита тикув цехи, сартарошхона ва сервис хизмати шохобчаси фаолиятини йўлга қўйиб, 12 та янги иш ўрни яратишга эришдик.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Намунавий низомлар асосида Бердақ номидаги маҳалланинг асосий йўналишлар бўйича комиссиялари низомлари қайта ишлаб чиқилди. Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия томонидан аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган 20 тадан зиёд давра суҳбати ташкил этилди. Сўнгги 5 ой мобайнида ҳудудда бирорта ҳуқуқбузарлик ҳолати содир этилмади.

Шунингдек, Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия аъзолари томонидан ўтказилган тарғибот тадбирларида кўчалар, атроф-муҳит озодалиги, хонадонлар саришталигига алоҳида эътибор қаратилиб, аҳолига томорқа ерларидан унумли фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди. Айни пайтда ҳудудда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари ҳам маҳалла кўркига кўрк қўшмоқда.

Машғулотлар замонавий ахборот технологиялар, хусусан, компьютер, электрон доска ҳамда видеопроекторлар ёрдамида олиб борилмоқда. Тингловчиларнинг Нукус шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, хусусан, фаолияти намунали йўлга қўйилган фуқаролар йиғинларига саёҳатлари фаоллар ўртасида тажриба алмашиш имконини бераётир.



ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

# Нуронийлар тиббий ёрдамдан баҳраманд

**Самарқанд вилояти Пайариқ тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли Чоштепа қишлоқ врачлик пункти вилоятдаги намунали тиббиёт масканларидан. 2003 йилда қуриб фойдаланишга топширилган мазкур муассаса «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида замонавий тиббий диагностика асбоб-ускуналари ва аппаратлар билан жиҳозланган. Бу эса «Чоштепа» маҳалласи аҳлига кафолатланган бепул, сифатли ва малакали бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатиш имкониятини туғдирди.**

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
«Mahalla»

«Чоштепа» маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари билан ҳамкорликда иш олиб бораётган муассаса қарияларни, отахону онахонлар саломатлигини назорат қилиш, уларга тегишли тавсия ва тезкор тиббий-профилактик ёрдамлар уюштиришда катта тажриба орттирган.

— Ҳафтанинг ҳар пайшанбаси «Нуронийлар куни», деб эълон қилинган, — дейди умумий амалиёт шифокори Саодат Луқмонова. — Шу куни шифокорлар, патронаж ҳамширалар маҳалла фаоллари билан бирга кекса ва ногиронлар истиқомат қилаётган хонадонларга бориб, уларни тиббий-профилактик кўрикдан ўтказамиз. Кексалар ва диспансер назоратида турувчи беморлардан хабар оламиз. Қарияларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ва улар орасида кўп учрайдиган гипертония, қандли диабет, бўғим касалликларининг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб боріляпти.

«Чоштепа» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилафрўз Жўраева таъкидлаганидек, хонадонлардаги ижтимоий аҳвол мунтазам ўрганилади, муаммолар жойида кўрилиб бартараф этишга ҳаракат қилинади.

Шу ўринда айтиш жоизки, бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимини такомиллаштирилаётгани тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширяпти. Бундан эса фуқаролар мамнун.

— Қишлоқ врачлик пунктимизда шароит яхши, — дейди чоштепалик Замира ая Қурбонова. — Кундуз куни бу ерда тиббий муолажаларни олиб, ётиб даволанамиз. Шифокорлар хонадонларда бўлиб кексалар, ёш болалар, ҳомиладор аёлларга ўз маслаҳатларини бериб келишяпти. Бу ерга қатнаётганимга 5 кун бўлди. Биринчи келган куним аҳволим яхши эмасди. Мана, ҳозир муолажалар туфайли, ўзимни тетик, бардам сезяпман. Илгари тобимиз қочса, 30-35 километр йўл босиб, шаҳарга борардик. Шукрки, 5-6 йилдан бери қишлоғимизда соғлиғимизни тиклаш имконига эгамиз.

Маҳалладаги кексалар саломатлигини тиклаш мақсадида ҚВП томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 10 нафар қария турли санаторийларга жўнатилди. Ушбу ҳимоянинг манзилли ва адолатли амалга оширилишида маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимларининг ҳам ҳиссаси бор. Қолаверса, кекса отахону онахонларнинг республикамизнинг турли шаҳарлари, зиёратгоҳ ва қадамжоларига саёҳатларини уюштириш режалаштирилган.




САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИДАН

# Сайлов участкалари тузиш тартиби

**САВОЛ:**

***— Сайлов участкалари тузиш тартиби қандай? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.***

**ЖАВОБ:**

— Сайлов участкалари сайловчиларга қулайлик яратиш мақсадида туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилиши мумкин.

Санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа стационар даволаниш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар тураржойларида, қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши қонун билан белгиланган. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округлари таркибига киради.

Сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан, ҳарбий қисмларда — ҳарбий қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тузилади.



Сайлов участкалари сайловдан камида олтмиш кун олдин тузилади. Ҳарбий қисмларда, олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганида тузилади.

Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида йигирма нафар ва кўпи билан уч минг нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

**Сайловга оид Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан.**

Mahalla

ЧОРШАНБА
2014 йил 12 ноябрь,
№95 (1062)



ЯНГИ РУКН: **КУН МАВЗУСИ**

# Маънавий юксаклик — фаолиятимиз мезони

**«Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойимоқда. Шу билан бирга, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда, улар бугун ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг фаолият кўрсатаётир». Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида миллий бошқарувимиз — маҳаллага берилган таърифнинг бугун фуқаролар йиғинлари фаолиятида яққол кўриш мумкин. Ҳудудимиз кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгарди. Аҳоли фаровонлиги ошди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланди.**

**Замира СУЮНОВА, Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги Ойбек номли маҳалла фуқаролар йиғинининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.**

Шу билан бирга, кишиларнинг онгу тафаккури ўзгарди, маънавий олами бойиди. Бундай ютуқларни эътироф этиш ёқимли, албатта. Чунки аҳолини маънавий юксалтиришга оид масъулиятли вазифалар маҳалланинг ҳар бир фаоли, айниқса, маслаҳатчилардан фидойиликни талаб этади.

Бугунги глобаллашув жараёнида маънавий таҳдидлар қай даражада хавф солаётгани сир эмас. Шу боис тарғибот ишларини кучайтирибгина қолмай, масалага янгича ёндашув, илғор қарашларни татбиқ этиш, таъсирчан воситалардан фойдаланиш куннинг муҳим вазифаларидан. Негаки биз маслаҳатчиларга катта ишонч билдирилган. Биз маҳалладаги маънавий муҳит посбонларимиз. Аҳоли, айниқса аёллар, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тарғибот ишларини кучайтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ишларини яхшилаш доимо эътиборимизда.

Жорий йилнинг ўтган даврида «Маҳалламиз маликаси», «Мардлар қўриқлайди Ватанни», «Алишер Навоий — сўз мулкининг султони», «Маънавият имондан бошланади», «Соғлом она — соғлом бола», «Ассалом, Наврўз!», «Аёл — оила чироғи», «Огоҳлик — давр талаби», «Балли, қизлар!», «Маҳалла болалар нигоҳида», «Ибратли келин», «Қайнона ҳам она», «Миллий анъаналар ва қадриятлар» мавзуларида семинар, учрашув, давра суҳбатлари, кўрик-танлов, байрам тадбирларини ўтказдик. «Мустақиллик — муқаддас неъмат», «Бу Ватанда азиздир инсон» мавзуларидаги давра суҳбатлари таъсирчанлиги ва долзарблиги туфайли туман миқёсида оммалаштирилди.

Албатта, амалга оширилган маънавий-маърифий тарбия йўналишидаги ишларнинг самараси ўтказилган тадбирларнинг сонига қараб баҳоланмайди. Аммо оилаларни мустаҳкамлаш, ҳудудда маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш, диний экстремизмнинг олдини олиш, турли маънавий-мафкуравий таҳдидларга қарши курашишда хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан доимий ҳамкорлик қўл келаётир. Хусусан, кейинги уч йилда 12 та нотинч оиланинг яраштирилгани, маҳаллада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг кескин камайгани ҳамкорликдаги тарбиявий ишларимиз самарасидир.

МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ

# Астойдил интилиш ва иштиёқ мақсадга элтади



**Бешариқ туманидаги «Қиясартол» маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Муҳаммаджон Холматовнинг оилавий корхонаси нафақат туман, балки Фарғона водийсида тилга тушган.**

**Расул КАМОЛ**
**«Mahalla»**

Гап шундаки, маҳалла фуқаролар йиғинида биринчилардан бўлиб оилавий корхона ташкил этган тадбиркорнинг ишлаб чиқараётган мўйнали бош кийимлари сифати, қулайлиги, энг муҳими, ҳамёнбоплиги билан харидоргир. Айни кунда оилавий корхона усталари томонидан катталар, аёллар ва болалар учун қишки бош кийимлар тайёрланмоқда.

Корхона иш фаолияти билан танишганимизда, агар астойдил иштиёқ ва интилиш бўлса, кўзланган мақсадга эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик.

Тадбиркор ва унинг турмуш ўртоғи асли ўқитувчи бўлиб ишлашган. Нафақага чиқишгач, уйда бекор ўтиришни ўзларига эп кўришмади, оилавий корхона ташкил этиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги «Маслаҳат маркази»га мурожаат қилишди. Фаоллар уларга тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ тегишли ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашишди.

Қисқа муддатда банкдан 4 миллион сўм кредит олиниб, янги тикув машиналари харид қилинди. Натижада 6 та янги иш ўрни яратилди. Ҳалол даромад ҳисобидан замонавий уй-жой қурилди, енгил машина харид қилинди. Оила дастурхони тўкин-сочин.

Оилавий тадбиркор саховат бобида ҳам кўпчиликка ибрат бўлмоқда. Ҳудуддаги 20-умумтаълим мактабининг фаол, аълочи ўқувчилари учун 100 минг сўмдан стипендия таъсис этилган. Кам таъминланган оила фарзандларига бепул бош кийимлари тарқатиш йўлга қўйилган.

— Айни кунда оилавий корхонамиз фаолият кўламини кенгайтириб, тикувчилик, боғдорчилик тармоқларини ташкил этиш устида иш олиб боряпмиз, — дейди М.Холматов. — Бу борадаги ишларни йўлга қўйишимизда маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги «Маслаҳат маркази»нинг амалий ёрдами катта бўлмоқда. Улар фаолиятимизга оид иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаолияти ҳамда солиқ қонунчилиги асосларини ўрганиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари, учрашувлар ташкил этиб, имтиёзлар ҳақида зарурий маслаҳатлар беришмоқда.

«Маслаҳат маркази» ҳар бир фуқаронинг истак ва қизиқишларини инобатга олиб, тадбиркорликни ривожлантириб бормоқда. Шу боис маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарор, ёшлар, аёллар ўртасида ишсизлик, безорилик, оилавий ажрим сингари салбий ҳолатлар барҳам топган. Ҳамжиҳатлик, соғлом муҳит барқарорлиги ҳисобига маҳалла ҳудудида кўплаб ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан қишлоқ қабристони ҳашар йўли билан обод этилиб, ички йўллар таъмирланди, тоза ичимлик суви тармоқлари тортилди.

Ҳудудда марказ маслаҳатлари билан иш бошлаётган оилавий тадбиркорлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Гулчиликни йўлга қўйган Муқаддас Давронова ана шундайлардан. Фаоллар ёрдами билан 2 миллион сўм банк кредитини олган Эргашой Холматова 2 минг бош парранда парваришлаб, маҳалла аҳлига тухум ва парҳез гўшт етказиб бермоқда.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

# Истеъмолчи мурожаати эътиборсиз қолмайди

**Бугун маҳалла фуқаролар йиғинлари идорасига турмушимизда учрайдиган у ёки бу масалалар билан мурожаат этишга ва йиғин кўмагида муаммога ижобий ечим топишга одатланганмиз. Дарҳақиқат, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалла таъсирчан кучга эга бўлиб бораётир.**



**Зебинисо ҲАЙИТОВА**
**«Mahalla»**

Айниқса, йиғинлар ҳузуридаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича комиссия фаолиятининг йўлга қўйилгани муҳим омил бўлмоқда.

— Йиғинимизнинг мазкур комиссия аъзолари жамоатчилик билан ишлашда катта тажриба тўплаган. Улар ҳар қандай масалада адолат билан иш юритадиган фаоллардан ташкил топган, — дейди Урганч шаҳридаги «Женговуз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Йўлдошев. — Комиссия Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига таяниб фаолият юритиб келмоқда.

Икки минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган ушбу ҳудудда фаолларнинг истеъмолчи маданиятини ошириш, манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлари туфайли сотувчи ва харидор, хизмат кўрсатувчи ва мижоз ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланиб бораётир.

7 та озиқ-овқат ва 2 та хўжалик моллари дўкони, 6 та умумий овқатланиш ошхонаси, 2 та тўйхона, 2 та чойхона, 5 та дорихона ва хусусий тиббиёт марказлари ҳамда ўнга яқин маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолиятини жамоатчилик асосида назорат қилиш мақсадида комиссия аъзоларидан вакиллар бириктирилган. Улар тадбиркорларга истеъмолчи манфаатига зид иш юритиш, яроқлилик муддати ўтган озиқ-овқат ёки сифатсиз маҳсулотларни сотиш каби ноқонуний ҳаракатлар, қолаверса, коммунал тўловларни пайсалга солиш ҳолатлари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши борасида тушунчалар беришмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаган ишбилармонлар ҳам «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлишаётир.

Яқинда Феруза Ҳусайинова ҳамда Роза Эгамберганова фаоллар кўмагида оилавий бизнесга қўл уриб, озиқ-овқат дўконини очишди. Бироқ комиссия аъзолари томонидан уларда тўлов терминали ўрнатилмагани аниқланиб, масала ижобий ҳал этилди.

— Фуқароларимиздан, айниқса, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари устидан шикоятлар тушиб туради, — дейди йиғиннинг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича комиссияси раиси Жамила Қурбонова. — Ҳудудимиздаги 13 та кўп қаватли уйдаги шарт-шароитларни яхшилаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга масъулмиз. Аммо баъзи бир ширкатларнинг ўз вазифасига совуққонлик билан ёндашаётгани оқибатида айрим уйларнинг ертўласида сув йиғилиб қолиш ёки томидан чакки ўтиш ҳолатлари кузатилади. Жорий йилда ҳам «Урганч коммунал сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолияти юзасидан келган шундай шикоятлардан 5 тасини ўрганиб, ширкат фаолияти юзасидан раҳбари билан муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрдик.

Комиссия аъзолари истеъмолчиларнинг мурожаатини беэътибор қолдиришмайди. Бу йилги куз-қиш мавсуми олдидан кўп қаватли уйларнинг томлари қайта ёпилиб, кириш йўлаклари таъмирланди. Шунингдек, дераза ойналари алмаштирилиб, эшикларга кодли қулфлар ўрнатилди, ертўлалардаги сув қувурлари янгиланди.

ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ

# Ёнган хазон вужудни ҳам хасталайди

**Кўпчилигимиз айрим маҳаллалардаги мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, аҳоли яшаш жойлари атрофида тўпланган хазонларни ёқаётганларни кўрсак-да, бефарқ ўтиб кетамиз. Аслида улар барчамиз нафас олаётган ҳавони заҳарлаётганига эътибор қаратмаймиз.**

**С. МАХСУМОВА**
**«Mahalla»**



Пойтахтимиздаги Учтепа тумани «Ўткир» маҳалласида айни шу ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган ишлар амалга оширилаётир. Йиғин қошидаги Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия томонидан бажарилаётган юмушлар мақтовга арзигулик.

— Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш асосий эътиборимизда, — дейди комиссия раиси Толибжон Ёқубов. — Шунингдек, ёшлар ўртасида экологик таълим кўникмалари ва тарбия тизимини ривожлантириш, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш конституциявий бурч эканлигига доир тарғибот ишларини олиб боряпмиз.

Ёқиб юборилган барглардан ажралиб чиқадиган моддалар инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши сир эмас. Хазонлар ёнганда ҳосил бўладиган тутун таркибидан углерод оксиди ва бошқа заҳарли моддалар ажралиб чиқади ва шу ҳаводан нафас олаётган жамики тирик организмга, айниқса, инсон саломатлигига салбий таъсир қилади.

Шифокорларнинг маълумотига кўра, бундай ҳаводан нафас олган одамда нафас йўллари, қон-томир хасталиклари пайдо бўлади, тўқималари фаолияти бузилади. Бундан ташқари, ошқозон-ичак ва аллергик хасталиклар ҳам кўпаяди.

— Хазон ёқилиши оқибатида ернинг устки қатлами ҳам зарарланади, — дейди комиссия аъзоси Маҳбуба Қосимхўжаева. — Шу боис комиссия аъзолари маҳаллада бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида алоҳида назорат гуруҳи туздик. Гуруҳ аъзолари кўчаларга бириктирилиб, кўча бошлиқлари билан ҳамкорликда хазонларни тўплаш, кўчалар озодалигини сақлашда бош-қош. Ёнган барглар тутунидан, айниқса, болалар организми тез ва осон заҳарланишини ҳисобга олиб, ҳудуддаги болалар майдончаларига вакиллар бириктирилди. Хазонлар тўпланиб, махсус чиқиндихоналарга ташиб кетилмоқда. Шу билан бирга компостлаш орқали ундан ўғит тайёрланиб фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Фуқаролар йиғини ҳудудида атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашда таълим муассасалари билан ҳамкорлик яхши самара бераётир.

СОЛИҚ

# Имтиёзлар даромадни кўпайтирмоқда

**Мамлакатимизда солиқ юкининг йил сайин енгиллашаётгани, хўжалик юритувчи субъектларга берилаётган кўплаб имтиёзлар самарасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи соҳалардан бирига айланди.**

**Назир ҒАФФОРОВ, Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи.**

Айниқса, микрофирмалар, саноат корхоналари учун солиқ ставкасининг пасайиши ҳисобидан солиқ тўловчилар ихтиёрида қоладиган маблағлар тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг моддий базасини такомиллаштиришга, янги иш ўринлари яратишга имкон туғдирмоқда.

Қолаверса, Юртбошимизнинг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда унга мувофиқ тасдиқланган 2007 йил 11 июндаги Низом хўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардош, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлашга замин яратмоқда.

Мазкур фармонга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларга беш йил мобайнида юқорида келтирилган мақсадларни амалга ошириш учун берилган имтиёзли кредитларни қайтаришга, шунингдек, лизинг объекти қийматининг ўрнини қоплашга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда фойдадан олинадиган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари, солиқ солинадиган фойдани ушбу кўрсатилган мақсадларга йўналтириладиган маблағлар суммасига камайтириш харажатлар амалга оширилган солиқ давридан эътиборан, янги технологик жиҳоз бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан беш йил ичида амалга оширилади. Агар жорий солиқ даврида юқорида таъкидлаб ўтилган мақсадлар учун йўналтириладиган маблағлар суммаси солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан ошса, қолган сумма келгуси солиқ даврларида ўрнатилган муддатда чегирилиб бориши тадбиркорларга қўл келаётир.

Жумладан, Навоий шаҳар давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтган «Қувноқ табассум» хусусий тиббий муассасаси жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мазкур фармон ва Низом талаблари асосида ягона солиқ тўловидан беш миллион сўм миқдоридаги имтиёзга эга бўлди. Бунинг эвазига корхона раҳбари Фазлиддин Рўзиев муассасанинг техник базасини мустаҳкамлаб, хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашга эришди.

Айни кунда вилоятда 4000 дан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари солиқ соҳасидаги ушбу қулайлик ва имтиёзлардан фойдаланиб, фаолият кўламини кенгайтириб келаётир.

КОЛЛЕЖДАН КОРХОНАГА

# Билимдон битирувчи бандлигида муаммо йўқ

< [1]

Қувонарлиси, ўқувчилар коллеж остонасига қадам қўйганиданоқ у ердаги иш жараёнлари билан танишиб боришади. Қолаверса, корхоналарнинг илғор усталари иштирокида ўтказиладиган маҳорат сабоқларида билимларини мустаҳкамлашади.

Ўз навбатида, малакали, билимдон ходимларга эҳтиёжманд манфаатдор корхоналар бугун ўқув муассасаларидаги таълим жараёнига бефарқ эмас. Уларнинг «Маҳорат мактаби» машғулотларини ташкил этиш, коллежнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ҳомийлик ишларини таъкидлаш лозим. Жумладан, ўтган йили «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ҳомийлигида коллежнинг талабалар тураржойи ҳамда спорт зали капитал таъмирланди. Истеъдодли ўқувчиларга компания стипендиялари таъсис этилгани эса иқтидорли ёшлар сафини кенгайишида муҳим омил бўлаётир.

Албатта, бундай эътибор ва ҳамкорлик самараси ўлароқ ушбу коллежда таҳсил олаётган изланувчан кадрларга корхоналар томонидан талаб катта. Биргина ўтган йилнинг ўзида коллежни битирган 490 нафар ёшнинг аксарияти «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси тизимидаги корхоналарда фаолият бошлади. Хусусан, уларнинг 52 нафари Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, 34 нафари «Газлинефтқазибчиқариш» унитар шўъба корхонаси, 30 нафари Газли магистраль газ қувурлари бошқармаси, 45 нафари эса «Ғарбгазтаъминот» унитар корхонасига ишга жойлашди.

Вилоятда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашда коллеж-корхона ҳамкорлиги яхши самара бераётир. Вилоят ҳокимлиги томонидан ҳар бир коллежга ўзи тайёрлайдиган мутахассислик бўйича тегишли ташкилотлар ҳамкор сифатида бириктирилган. Мазкур ташкилотлар ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, ўзаро уч томонлама шартнома тузиш, уларни ишга қабул қилишда ёрдам кўрсатишмоқда.

Ўтган ўқув йилида вилоятдаги 80 та касб-ҳунар коллежининг турли йўналишларини битирган 26 минг 600 нафардан зиёд ёшнинг 24 минг нафарга яқини ишга жойлаштирилди. Қолганларининг бандлигини таъминлаш мақсадида уларни тадбиркорликка жалб қилиш, бизнес ғояларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратишга эришилди. Айниқса, қизлар бандлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Марказий банк бош бошқармалари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, «Камолот» ЁИҲ ҳудудий Кенгаши масъул вакилларидан иборат штаб томонидан битирувчи қизлар бандлигини таъминлаш, уларга ўз бизнесини ташкил этишда кўмак берилмоқда, — дейди штаб раҳбари, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулфия Тўйева. — Қолаверса, вилоятдаги ҳар бир шаҳар ва туманда битирувчи қизлар учун тикувчиликка ихтисослаштирилган корхоналар ташкил қиляпмиз. Жумладан, Ғиждувон туманидаги Абдухолиқ Ғиждувоний номидаги маҳалла ҳудудида ишга туширилган «G'ijdivon chevar text» ҳамда «G'ijdivon talaba tikuvchilari» корхоналарида 100 нафар битирувчи қиз меҳнатга жалб этилди.

Ҳа, ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятдаги 12 минг нафарга яқин битирувчи қиз ишли бўлди.



